

АХБОРОТ-КУТУБХОНА МУАССАСАЛАРИ ТИЗИМИДА КУТУБХОНА ФОНДИНИНГ ЎРНИ

*Мирходжаева Матлуба,
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси,
Умумий фондларни сақлаш хизмати раҳбари*

Жамият томонидан нашр этилаётган ҳужжатларни бир жойга тўплаш, йиғиш, уни тартибга солиш, ва сақлаш кутубхонанинг ижтимоий вазифаларидандир.

Кутубхоналарнинг кўпчилигида фонднинг асосий қисмини китоблар ташкил этса ҳам, фонд фақат китоблардан иборат бўлмайди. Кутубхона фондларига журналлар, газеталар, ноталар, карталар ва бошқа босма асарлар, брайл ёзувидаги адабиётлар шунингдек, аудиовизуал материаллар (аудио, видео маълумотлар, компакт дискдаги аудиокитоблар, DVD дискдаги видеоёзувлар, пластинкалар) ҳам қиради. Ана шу фондлар тегишли тарзда тартибга солинган, яъни илмий ва техникавий жиҳатдан ишлов берилган, муайян тизим бўйича жойлаштирилган, авайлаб сақланган бўлиши лозим.

Юқоридаги вазифаларни амалга оширишда кутубхона жуда муҳим ва машаққатли жараёнларни, яъни китоб танлаш, ҳисобга олиш, бутлаш, каталоглаштириш, жойлаштириш, сақлаш каби вазифаларни бажарадики, уларсиз кутубхона фонди вужудга келмайди ва кутубхона фаолият кўрсата олмайди. Кутубхона тўлиқ шаклландан сўнггина у ўзининг бошқа ижтимоий вазифаларини бажариш имкониятига эга бўлади.

Фаолиятнинг исталган соҳасида стандартлаштиришнинг ўрни жуда муҳим. Ахборот-кутубхоначилик иши бўйича ишлаб чиқилаётган давлатлараро стандартлар «Ахборот-кутубхона ва ноширлик иши бўйича стандартлар тизими»га МДХ мамлакатларида амал қилинади.

Стандарт барча турдаги кутубхоналар ва илмий-техник ахборот органлари учун мўлжалланган. Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳужжатларни фақатгина йиғиш билан бирор нарсага эришиб бўлмайди. Уни муносиб сақлаш ва фойдаланиш учун тақдим этиш кутубхоначи мутахассисдан алоҳида эътиборни ва малакани талаб

килади. Кутубхона ахборот макони ҳисобланиб ахборот, маълумот бериш ваифасини бажаради. Бу унинг олдиндан бажариб келган вазифаси бўлса ҳам, айниқса ҳозирги даврда миллионлаб манбаларнинг нашр этилиши, фондларда сақланаётган ҳужжатларнинг ўқилиши, ҳозирги замон техникасининг қўлланилиши натижасида электрон манбаларнинг пайдо бўлиши кутубхоналарнинг ахборот бериш фаолияти янада фаоллаштирилмоқда.

Ҳозирги даврда ахборот ниҳоятда муҳим ва зарур бўлиб, улар кутубхоналарда сақланаётган манбаларда ўз аксини топган. Ана шу манбаларни тегишли тартибда ўрганиб уларни кенг халқ оmmasига тарғиб қилиш зарур. Бу борада хорижий мамлакатларнинг йирик кутубхоналарида ҳамда Ўзбекистон Миллий кутубхонасида олиб борилаётган ишларни мисол қилиш мумкин.

Болгариянинг София шаҳар кутубхонасида замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ҳужжатларни электронлаштириш, ретро фондларга мурожаат қилиб, уларни замонавий тарзда фойдаланувчиларга, кенг халқ оmmasига етказиб бериш жадаллашган. Бугунги кунда кутубхоналар сақлаш тизими қобигидан чиққан ҳолда, фақат ўзларида маълумотларни сақлаб қолмасдан уларни рақамлаштириш орқали фойдаланувчига етказиб бермоқда. Замон ўзгариб борсада, шундай ҳужжатлар борки, улар доимо муҳимлигича қолаверади. Масалан мусиқа ва тасвийий санъат асарлари. Ушбу фондларни муносиб сақлаш ва асраб-авайлаш, келажак авлодга бус-бутун етказиш зарур. Узоқ йиллардан бери сақланиб келаётган мусиқа асарларини, яъни грампластинкалардаги ретро куй ва кўшиқларни рақамлаштириб нафақат мусиқашуносларга балки, кенг халқ оmmasига тақдим этиб келинмоқда.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, бугунги кунда ахборот-кутубхона муассасалари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ҳам фақатгина анъанавий китоб мутолааси билан чекланиб қолмасдан, фойдаланувчилар ўртасида бой меросимизнинг бир қисми бўлган ретро нашрлар сифатида сақланаётган плакатлар, карталар шунингдек, грампластинкаларни рақамлаштирилган ҳолатда тарғиб қилиш, кенг халқ оmmasига тақдим этишдан иборатдир.